



## TASHKILIY QO'MITA

**Toshqulov Abduqodir Hamidovich** (Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi)  
**Abduraxmonov Ibroxim Yulchiyevich** (Innovatsion rivojlanish vazirligi)  
**Sirojiddinov Shuhrat Samariddinovich** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Hamroyev G'ofir Hasanovich** (O'zR Vazirlar Mahkamasining Ma'naviyat va davlat tili masalalarini rivojlantirish departamenti)

**Jamoliddinova Odinaxon Rustamovna** (O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi)

**Mamaraimova Nasiba Yadgarovna** (O'zR Xalq ta'limi vazirligi)

**Normurodova Nozliya Zarilovna** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Abdirashidov Zaynabidin Sharabidinovich** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Eshref Adali** (Turkiya, Istanbul texnika universiteti)

**Lenara Kuberdinova** (Qrim Respublikasi, V.I.Vernadskiy nomidagi Qrim federal universiteti)

**Мўратбек Багила Курманбеккызы** (Qozog'iston, K.Jubanov nomidagi Aqto'be viloyat universiteti)

**Mengliyev Baxtiyor Rajabovich** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Raupova Laylo Raximovna** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Elov Botir Boltayevich** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Jo'raqo'ziyev Nodir Imomqo'ziyevich** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Abjalova Manzura Abdureshetovna** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

**Xamroyeva Shahlo Mirdjonovna** (Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti)

## TAHRIR HAY'ATI

Normurodova Nozliya Zarilovna

Eshref Adali

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich

Raupova Laylo Raximovna

Elov Botir Boltayevich

Мўратбек Багила Курманбеккызы

Abjalova Manzura Abdureshetovna

Xusainova Zilola Yuldashevna

Xudayberganov Nizomaddin O'ktamboy o'g'li



## ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР ВА АЛОҲИДА ОЛИНГАН СЎЗЛАР ТУРКУМИДА УСЛУБИЙ ХОСЛАНИШНИ КЎРСАТУВЧИ ТЕГЛАР ТИЗИМИ

Элова Дилрабо Қудратиллаевна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
Амалий филология кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада боғловчи, кўмакчи, юклама ва ундов, модал сўзларни аннотациялашнинг аҳамияти ёритиб берилади. Ёрдамчи ва алоҳида олинган сўзларнинг услубий хосланишига кўра теглаштиришнинг назарий асослари ва миллий тил корпусларидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** *миллий корпус, тег, услубий тег, ёрдамчи сўзлар, репрезентативлик, боғловчи, кўмакчи, юклама*

**Кириш.** Ҳозирги вақтда замонавий йўналишлардан ҳисобланган корпус лингвистикаси жаҳон тилшунослигида янги соҳа бўлишига қарамай, бу соҳада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Браун корпуси тузувчилари Н.Френсис, Г.Кучераларнинг корпус тузиш принциплари ҳақидаги фикрлари, рус тилшунослигида В.П.Захаров, А.Б.Кутузов, Е.В.Недошивина, В.В.Риков, В.Плунгянларнинг назарий ва амалий таклифларини корпус борасидаги дастлабки тадқиқотлар сифатида баҳолаш мумкин. Бу мутахассислар корпус, унинг турлари, ўзига хос хусусияти, корпуснинг ижтимоий аҳамияти, корпус тузиш тамойиллари масаласини ўрганишган.

Ўзбек тилшунослигида, умуман, жаҳон лингвистикасида стилистика кенг тадқиқ этилган соҳалардан бири. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилшунослигида услубиятнинг предмети, методлари, асосий категориялари, нутқ услубларининг таснифи, экстралингвистик/лингвистик факторлар, уларнинг ўзаро муносабати каби қатор масалаларга аниқлик киритишга кенг эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг функционал услублари қатор тадқиқотлар объекти бўлиб, функционал услуб, тил бирликларининг



услубий хусусиятлари, бадий асар тили услуби, маълум жанрга хос услублар, турли стилистик воситаларнинг хусусиятлари, услубий меъёрлар, грамматик шаклларнинг услубий хоссалари, турли қурилишли гап қурилмаларининг услубий ўзига хослиги каби масалалар ёритилган. Илмий тадқиқотлар илгари, асосан, бадий адабиёт материаллари асосида олиб борилган бўлса, кейинги йилларда лингвистик тадқиқотлар учун нутқ услубларининг барчаси объект қилиб олина бошланди.

**Асосий қисм.** Тил корпусларида лексик бирликларнинг услубий хосланишини автоматик аниқлашни амалга ошириш учун маълумотлар базасида ҳар бир сўзнинг услубий хосланиши ҳақида маълумот талаб этилади. Бунинг учун аввало ўзбек тили бирликларининг услубий хосланиши маълумотлар базасини шакллантириш лозим бўлади. Ҳар бир сўзга унинг услубий хосланганлиги ҳақидаги изоҳни бириктиришда назарий манбаларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай назарий манбалар ўзбек тили услубий хосланганлик базасини шакллантириш учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг услубий хосланишига кўра турларини белгилашда ана шундай назарий манбалар асос бўлади. Шунингдек, ёрдамчи сўзларнинг стилистик хусусиятлари Э.Қиличевнинг “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика)” ўқув қўлланмасида тавсифланган. Ёрдамчи сўзларнинг услубий тегларини шакллантиришда ушбу ўқув қўлланмадаги маълумотларга асослансак, қуйидаги бирликларга асос қилиб оламиз:

	сони		жами	Услубий хосланган	Услубий бетараф
кўмакчи	106	кўмакчи	42		



		Кўмакчи вазифасидаги сўз	64		
боғловчи	52	боғловчи	52		
юклама	45	юклама	45		
Ёрдамчилар	203				

		сони	Услубий хосланган	Услубий бетараф
ундов		244		
тақлид		800		
Модал	Соф модал - 47	132		
	модал сўз вазифасида келувчи сўз - 85			
Алоҳи олинган сўзлар туркуми		1176		

Маълумки, **кўмакчилар** от ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, унинг бошқа сўзга боғланишини, ундаги турли синтактик муносабатларни кўрсатади. Келишик шакли билан ёнма-ён кўмакчи ишлатилганда таъкид маъноси янада кучаяди: *далага кетди – далага томон кетди.*

Э.Қиличевнинг таъкидлашига кўра, айрим кўмакчилар икки ва ундан ортиқ услубий парадигмани ҳосил қилади. Бир парадигмадаги кўмакчилар турли услубий бўёқларига кўра фарқланади. Масалан:

билан – бирлан (архаик) – бирла (китобий) – била (диалектал);

учун – чун (сўзлашув);

каби – сингари – янглиғ (архаик);

бошқа – ташқари – ўзга (китобий);

бери – буён (сўзлашув);

бўйлаб – узра (архаик).



Кўмакчилардаги бундай хусусият нутқни ранг-баранг қилади, хиссий-таъсирчанликни оширади.[ Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992]

Ушбу маълумотлар асосида маълумотлар базасида кўмакчиларга архаик, китобий, диалектал, сўзлашув услубига оидлиги ҳақидаги тегларни бириктириш мумкин.

**Боғловчилар** гап бўлаклари ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, ўзи боғланган сўзларнинг ўзаро муносабатини ва шу муносабатнинг турини кўрсатади.

Э.Қиличев кўрсатганидек, айрим боғловчилар икки ва ундан ортиқ услубий парадигмани ҳосил қилиши мумкин. Булар ўзаро турли услубий бўёқлари билан фарқланади:

*билан, -ила* (сўзлашув);

*ёхуд, ёинки, ё* (сўзлашув);

*-а* (сўзлашув);

*-ки, -ким* (архаик);

*агар, -гар* (архаик).

Боғловчиларнинг бундай кўринишлари нутқда синоним гапларни ҳосил қилиш учун ишлатилади. Бундай гаплар нутқни безайди. Оғзаки нутқда баъзан бадий тилда рус тилида ишлатиладиган **а** боғловчиси ишлатилмоқда: *Мен уйда қолмоқчиман. А сиз-чи?* (М.Салом.)

**Юкламалар** сўз ёки гапларга қўшилиб сўроқ, турли ҳис-ҳаяжон, таъкид, таажжуб, кучайтирув маъноларини ифодалайди. Бундай модал маънолар юкламаларнинг бой услубий имкониятини кўрсатади. Юкламалар барча нутқ услубларида ишлатилади. Бироқ бадий-публицистик нутқда янада фаол қўлланади.

Сўроқ ва таажжуб юкламалари *-ми, -чи, -а, -я* кабилар гапга сўроқ маъносини бериш билан бирга турли эмоционал-таъсирчан маъноларни ҳам



беради. Жумладан, биргина *-чи* юкламаси орқали сўроқ (келса-чи?), буйрук (қаламингни бериб турсанг-чи), илтимос (тез келсанг-чи), қисташ каби маънолар ифодаланади. Айирув ва чегаралов юкламалари аффикс ҳолатида (*-гина, -кина, -қина*) ҳамда сўз ҳолатида (фақат) учрайди. Аффикс ва сўз-юкламалари бпрғаликда қўлланса, айириш ва чегаралаш маъноси янада кучаяди: *Фақатгина шу чоғда яхши дер сени барча.* (С.Жўра.) Айрим юкламалар услубий парадигма ҳосил қилади:

ҳатто, ҳаттоки (публицистик);

*-ки, -ким...* (архаик, бадиий.)

*Бир қиссаким, бунинг сўнгида Севишганлар топшигусидир.* (Х.О.) [Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992]

Шунингдек, ёрдамчи сўзларнинг услубий хосланиши ЎТИЛда ўз ифодасини топган. Қуйида ёрдамчи сўзлардан айримининг услубий хосланиши ҳақидаги изоҳларга тўхталамиз.

Ёрдамчи сўзларнинг маъноси (маънолари) алоҳида (махсус рақамлар билан) қайд этилмаслиги ЎТИЛнинг кириш қисмида изоҳланган. Ёрдамчи сўз бир маъно ва вазифага эга бўлса, у таърифланади ва тасдиқловчи мисол келтирилади.

Мисол: АГАР юкл. Шарт маъносини кучайтиради, таъкидлайди. *Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал.. қизнинг оёқларига бош қўйишига тайёр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СИНГАРИ кўм. Ўхшатиш, қиёсни билдиради. *Мен ҳам сен сингари йигирма икки ёшимда қайнаб, тошиб юрган кезларим эди.* М.Исмоилий, Фарғона т.о.

Ёрдамчи сўз бирдан ортиқ маъно ва вазифага эга бўлса, уларнинг асосийлари айтилиб, тасдиқловчи мисоллар келтириш билан чегараланилади.



Мисол: УЧУН кўм. Сабаб, мақсад, аталганлик каби маъноларни билдиради, шундай маъноли муносабатларни кўрсатади. *Ёрмат шаҳардан ниёда қайтиб, ўлғудай ҳоригани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ерга Мадали аканинг жизига тегиш, рашиқини келтириш учун кирганлигимни эслаб, мулзам бўлдим.* А.Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Хўжайиннинг қизи учун палак, дорпеч, қийиқ тикади.* Ойбек, Танланган асарлар [Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси (А. Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.]

Ёрдамчи сўзлар асл вазифасидан ташқари яна бошқа маънога (бошқа сўз туркумига хос маънога) эга бўлса, уларнинг ҳар бири луғатда алоҳида қайд этилади. Бундай ҳолларда изоҳ масаласи қуйидагича ҳал этилган:

1. Агар муайян сўз ҳар бир вазифасида ҳам ёрдамчи сўз бўлса (масалан, билан сўзи каби), уларнинг изоҳи юқорида қайд этилганидек амалга оширилади.

2. Агар ёрдамчи сўз бошқа сўз туркумига оид маънога ҳам эга бўлса, 1 рақами билан унинг ёрдамчи сўз (боғловчи, кўмакчи ёки юклама) эканлиги қайд этилади ва ёрдамчи сўз сифатида (юқорида айтилган йўл билан) изоҳланади.

Бошқа туркумга оидлиги тегишли рақам билан қайд этилади ва қайси сўз туркумига оид бўлса, ўша туркум сўзлари изоҳланадиган йўл билан изоҳланади.

Мисол: БАЛКИ боғл. [изоҳ]... мод.с.

Ундов, тақдид сўз ва модал сўзларда, асосан, унинг нимани билдириши, ифодаланиши кўрсатилади, яъни изоҳ таркибида “билдиради”, “ифодалайди” каби сўз бўлади.

Мисол: ВОЙ 1 Каттиқ оғриқ, азоб ҳиссини ифодалайди... 3 Ҳаяжон, ҳайрат ҳиссини билдиради.



ГУМБУР 1 Портлаш, ағдарилиш ва ш. к. натижасида юзага келадиган товушни, шундай товушга тақлидни билдиради.

АЛБАТТА 1 Фикр, иш-ҳаракат ва ш. к. нинг қатъийлигини билдиради. [Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси (А. Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.]

Сўзнинг луғатда қайд этилган биронта ҳам маъноси изоҳсиз қолмаслиги кераклиги юқорида айтилди. Лекин бу дегани сўзнинг луғатда қайд этилган ҳар бир маъноси шу ўринда изоҳланиши шарт деган сўз эмас. Изоҳли луғатда бундай йўл тутиш мумкин ҳам эмас. Чунки бундай йўл тутиладиган бўлса, луғат такрор ҳолдаги изоҳлар билан тўлиб кетади. Тил корпусида бу чегара йўқ, лингвистик таъминот барча маънолар ва уларнинг изоҳларини қамраб олади ҳамда керакли ойнада сўралган маъноси чиқади (кўринади).

**Ундовлар** грамматик нуқтаи назардан ҳам, услуб жиҳатдан ҳам алоҳида сўзлар туркумини ташкил этади. Улар инсоннинг ташқи олам билан муносабати натижасида юзага келувчи ҳис-ҳаяжони, хоҳиш ва истаги, қувонч ва қайғуси, талаб ва буйруғи каби руҳий ҳолатларини ифода этади. Шунинг учун ҳам улар ўта ҳис-ҳаяжон ва таъсирчанлик талаб қилувчи сўзлашув, публицистик ва бадиий услубларда кенг ишлатилади. Ундовларда оҳанг муҳим роль ўйнайди. Чунки ундов маълум оҳанг билан айтилмаса, у ҳис-туйғуни, ҳаяжонни англата олмайди. Ундов талаффуздаги турлича оҳанг унинг қайси маъно ва мақсадда қўлланаётганини белгилаб беради:

– *Аҳа! Соз! Азаматлар!* (О.)

*Аҳа! Султонбек! Илонбачча!* (Я.)

*А-ҳа! унда қирқ бирга қадам қўйибсан, – Махсумнинг хаёли қочди.* (С. Ан.)



*Аҳ-ҳа-а! Мени ташлаб, ўзларинг кетмоқчисизлар.* (С. Ан.) [Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б. – 81-б.].

Ундовлар маъносига қараб иккига бўлинади: 1) ҳаяжон ифодаловчи ундовлар; 2) буйруқ-хитоб ундовлари.

Ҳис-ҳаяжон ундовлари полисемантик бўлиб, уларнинг маънолари контекстда билинади. Бу ундовларга хос асосий маънолар таажжуб, севинч, қайғу, кўрқинч, ачиниш, ғазаб, менсимаслик ва бошқалардир:

*Ия, Назирахон шофёр бўлганми?* (С. Аҳм.)

*Мулларўзи. Вой жонингга жоним тасаддуқ, сени яратган соҳиб қудратни қара-я... Бир малак аҳ-аҳ... Қудратингдан айланай.* (Ҳ.Ҳ.)

*Ҳ и д о я т. Эйй, чиқинг, ўзим қарайман, бўлинг.*

*М а й с а р а. Вой ўлай, шўрим қурсин!*

*Хонзода. Вой! Вой! Ҳали андишани ҳам биласизми?* (Ҳ.Ҳ.)

Буйруқ-хитоб ундовлари чақириш, буйруқ, дўқ қилиш, урф-одат каби маъноларни билдиради:

*Гофир. Ҳой бўрилар! Сўзларингдан қайт!..*

*Қ о з и. Ассалому алайкум, мингбоши додхоҳ!*

*Қ о д и р қ у л. Ваалайкум ассалом, келинг.*

*Қ о з и. Қани марҳамат, домла.* (Ҳ.Ҳ.)

*М у л л а р ў з и (туриб). Боракалло, жаноби ҳақ дунёда ҳамма муродингизга охиратда аҳли жаннат мансабига насиб қилгай!* (Ҳ. Ҳ.)

Бадиий асарларда ундовни оз ёки кўп қўллаш асарнинг жанр хусусиятига кўра ҳам фарқланади. Драматик асарларда ундов кўп ишлатилади. Чунки бунда персонажлар нутқи диалогик асосда қурилган бўлади. Диалогик нутқ бевосита туриб юзма-юз сўзланган нутқ бўлиб, сўзлашувчиларнинг турли руҳий ҳолатини, ҳаяжонини яққол гавдалантиришига ёрдам беради. [Қиличев



Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б. – 82-б.]

Бадиий матнларни корпусда таҳлил қилишда ушбу маълумотларнинг юзага чиқиши, табиийки, ундовларнинг услубий тегланганлиги билан боғлиқ.

**Модал сўзлар** фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади. Мазмун гуруҳига кўра хилма-хил бўлади. Гапда фикрнинг аниқлигини, ростлигини ифодаловчи модал сўзлар, фикрнинг катъий тасдиғини билдирадиган модал сўзлар, гапда ифодаланган фикрнинг тахминийлигини ифодалайдиган, афсусланиш ва ажабланишни билдирадиган, фикрнинг тартибини билдирадиган модал сўзлар каби маъно гуруҳларига ажратиш мумкин. Модал сўзларни барча нутқ услубларида учрайди. Модал сўзлар асосан диологик нутқларда аввал айтилган фикрга муносабатни ифодлайди ёки гапда кириш сўз вазифасида келади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, модал сўзлар кўпроқ сўзлашув, бадиий ва публицистик услубларда ишлатилади.

**Хулоса.** Матннинг услубий хосланишини аниқлаш тил корпусининг репрезентативлигини таъминлаш учун аҳамиятли. Жаҳон корпус лингвистикасида нутқнинг турли услубларига тегишли матн/материаллар асосида қурилган корпуслар мавжуд. Матнларини функционал услуб жиҳатдан автоматик таҳлил қилишда бу услубларнинг ҳар бирини тавсифловчи статистик параметрларни аниқлаш ва матнларнинг автоматик стилистик диагностикасини ўтказишга қодир бўлган дастурларини яратишда, табиий тилни қайта ишлашда ёрдамчи сўзларнинг ҳам теглаш алгоритмларини яратиш муҳим саналади, натижада матнларнинг маъно жиҳатдан сифатли таҳлил қилинишига эришилади. Миллий корпусда матнларнинг услубий хосланишига кўра репрезентативликга (корпус материалининг миқдорий баланси) эришиш ниҳоятда аҳамиятли. Умуман олганда, бугунги кунда лингвистик билимлар тилдан амалда фойдаланиш имкониятига асосланиб



мукаммаллаштирилса ва шундай назарий манбаларга таянилиб, компьютер дастурлари формал ўзбек тили яратилса, келажакда барча турдаги дастур ҳамда электрон тизимларининг юзага келишига замин яратилади.

### Адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ. Ҳозирги замон ўзбек тилининг адабий услуби ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1992.– №5-6.
2. Абдурахмонов Ғ. Ёзма нутқ услубини яратувчи воситалар. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1994. – №3
3. Аҳмедова Д. Атов бирликларини ўзбек тили корпуслари учун лексик-семантик теглашнинг лингвистик асос ва моделлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Бухоро, 2020. – 156 б.;
4. Баскаков Н.А. Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках. – Москва, 1975.
5. Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар, Тошкент: Фан, 1973
6. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – Москва, 1963.
7. Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс)-  
[//lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf](http://lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf);
8. Каримов С. Ёрдамчи сўз туркумларининг бадий услубдаги кўринишлари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1993. – №1
9. Муҳамедова С. Компьютер лингвистикаси (методик қўлланма). – Тошкент, 2007.;
10. Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург. – 2006. 26 с.; Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: <http://rykov-cl.narod.ru/c.html>;



11. Плу́нган В. Зачем мы делаем Национальный корпус русского языка?  
“Отечественные записки” 2005, №2.  
[http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005\\_2\\_20-pr.html](http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html)
12. Пу́латов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 520 б.; Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр. 2011. – 160б.
13. Умурқулов Б. Бадиий нутқда умумистеъмом сўзларнинг қўлланиши.  
“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1993. – №1. – Б.39.;
14. Ўринбоева Д. Ўзбек сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар (ёрдамчи сўзлар): Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 1994. – 150
15. Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967.; Синклер Д. Предисловие к книге “Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка”/ Д. Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.ruscorpora.ru/corpora-infro.html>, свободный.
16. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. – Қарши, 2018. – 250 б.
17. Хамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти: филол. фан докт. диссертацияси автореф. – Фарғона, 2021.
18. Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. фан. бўйича докт. (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 74 б.;
19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси (А. Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
20. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.